



27 июнь

– Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кун

TABRIKLAYMIZ!

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№12
(1546)
2026-YIL
25-IYUN

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/o'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Халқаро ҳамкорлик

ЮРТИМИЗДА ЮНИСЕФ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ПЕДИАТРИЯ ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

*Соғлиқни сақлаш вазири Элдор Адилов Бирлашган
Миллатлар Ташиқоти Болалар жамғармаси
(ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
раҳбари Реҳина Мария Кастижио билан учрашди.*

Таъкидланганидек, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, имунопрофилактика тизимини такомиллаштириш, соҳада рақамли технологияларни жорий этиш каби йўналишларда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жамғарма кўмагида юртимизда вакциналарни сақлаш ва етказиб бериш тизими тўлиқ модернизация қилинди.

3 йил давомида она ва бола

саломатлигини асраш ҳамда неонатал хизматни такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан,

231 та туғуруқ муассасаси 23 турдаги 7 мингдан ортиқ замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди;

80 минг нафардан ортиқ тиббиёт ходимларининг малакаси оширилди;

29 та акушер-гинекологик ҳамда янги туғилган чақалоқлар-

ни парвариш қилиш бўйича миллий протокол янгиланди;

4 миллион нафардан зиёд оналар ва болалар сифатли тиббий хизматлар билан қамраб олинди.

Мулоқот давомида келгусида педиатрия хизматини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ҳолати ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини баҳолаш ишлари амалга оширилди. Бунда 400 та муассаса қамраб олинди, улардаги инфратузилмадан



бошлаб, инсон ресурсларига ҳар бир йилда қўшилди.

Йиғилиш якунида тўпланган маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш ва келгусида ушбу муассасаларни ҳар томонлама

ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

МАТБУОТ ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ҚАЛБ БЕШИГИДИР

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун, журналистлар учун қадрли кун. Негаки, ҳар бир соҳа ходими учун касбидан фахрлиниш туйғуси аynи шу санадан бошланади.

2013 йилдан буён шу соҳадаман ва ижод қаламим

айнан матбуот саҳифаларида чархланган. Бунинг учун соғлиқни сақлаш тизими йўналишидаги энг нуфузли ва тарихий нашрлардан бири саналувчи “O‘zbekistonda sog‘liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана” газетаси ва унинг бош муҳаррири, устозим Ибодат Соатовадан бениҳоя миннатдорман.

Ушбу газета даргоҳида унутилмас, қадрли, ҳажонли ва сабоқли онларим кўп бўлди. Сабаби мен ҳам фао-

лиятини газетачилик йўналишида бошлаган ҳар бир ижодкор сингари матбуотнинг таъсири ва масъулиятини, газетанинг фақат ахборот манбаи эмас, унинг таҳлил ва тафаккур чироғи эканлигини аynи шу даргоҳда англадим.

Давоми 5 ва 6-бетларда ▶

Тарих бошланган кун!



ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН АРЕНАЛАРИДА

Жаҳон майдонлари узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг янграши ва миллий байроғимизнинг хилпираши – ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз ғурур, фахр ва ватанпарварлик туйғуларини жўш урдирди.

Эътирофлиси шундаки, тарих зарварақларида муҳрланган Ўзбекистон миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги илк иштироки, жаҳон майдони узра мадҳиямизнинг янграши ҳамда чемпионатдаги илк голи бу юртимизнинг фахри ва ғурурига айланди. Бу кунларга етишни юртимиз аҳли 34 йил орзу қилган эди.

Ўзбекистон терма жамоамизнинг илк бор

жаҳон чемпионатида Жанубий Американинг энг кучли жамоаларидан бири бўлган – Колумбияга қарши шижоатли ўйинини мароқ билан томоша қилдик. Кун кеча терма жамоамиз Ўзбекистон – Португалия ўйинида ҳам бор ҳаракат ва имкониятларини ишга солиб курашдилар.

Давоми 4 бетда ▶

■ Кун мавзуси

Наманган вилояти

ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИГАН ТИЗИМ ЯРАТИЛИШИ КЕРАК

Аҳолини тиббиётдан рози қилиш – соҳадаги ислохотлардан кўзланган бош мақсад. Лекин жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар самараси ҳали талаб даражасида эмас. Хусусан, Наманган вилоятида соҳада ўз ечимини кутаётган оғриқли масалалар талайгина. Соғлиқни сақлаш вазири Элдор Адилов бошчилигида вилоятда ўтказилган танқидий-таҳлилий йиғилишида ана шундай ўткир муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама этилди.

Вазир таъкидлаганидек, Президентимизнинг тиббиётни трансформация қилишга доир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиняпти. Уларнинг ижросини таъминлаш учун, аввало, ҳудуддаги тизим мутасаддилари, 245 та тиббиёт муассасаси раҳбар-ҳодимлари зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этиб, жамоасига ўрнатилган бўлиши керак. Кабинетдан чиқиб, аҳоли орасига чуқурроқ кириши, жойлардаги вазиятни ўз кўзи билан кўрган ҳолда, мавжуд камчиликларни тезкор ва самарали ҳал қилиши лозим. Шу боис йиғилиш аввалида ташкилий масала кўрилиб, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига янги раҳбар тайинланди. Шундан сўнг вилоятдаги 200 та бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги муаммолар таҳлил этилди. Тиббий бригадалар, шунингдек, патронаж ҳамширалар фаолияти танқид



остиға олинди. Соғлиқни сақлашнинг янги моделини жорий қилишга доир пилот-лойиҳа учун вилоят бўйича Чортоқ тумани намунавий ҳудуд сифатида тан-

лаб олинган. Ўтган бир йил давомида бу ерда қатор амалий ишлар қилинди. Бироқ натижалар қониқарли эмас. Ҳатто, баъзи тиббиёт ходимлари ўз вазифасини тўлақонли билмайди. Ихтисослашган тиббиёт муассасаларида эса аҳолини хушмуомалалик билан кутиб олиш ва йўналтириш тизимини жорий этиш зарур. Йиғилишда беморларга дори-дармонларни асоссиз ёзиш ҳолатлари уч-

маган. Кадрларни ишга қабул қилиш, давлат харидларини амалга оширишда ҳам коррупциявий хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари кузатиляпти. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда муайян камчиликлар бор. Мулоқотда ана шундай ҳолатларга йўл қўйган бир қатор масъулларга огоҳлантириш берилди. Шунингдек, коррупцияга нисбатан кескин



раётгани айтиб ўтилди. Шифохоналар, жумладан, туғруқ муассасаларида эса коррупциявий ҳолатларни йўқотишга қаратилган таъсирчан чоралар кўрил-

ва мурасисиз муносабат шакллантирилиши ҳамда Наманганда аҳоли тиббиётдан тўлақонли рози бўладиган тизим яратилиши кераклиги маълум қилинди.

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

Наманган вилоятининг Давлатобод туманида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Жалолиддин Асамутдинов бошчилигидаги масъуллар иштирокида навбатдаги сайёр қабул бўлиб ўтди.

Тадбир аҳоли мурожаатларини жойида ўрганиш, тиббий хизмат сифатига оид муаммоларни аниқлаш, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларни қийнаётган масалаларга амалий ечим топиш мақсадида ташкил этилди. Дастлаб масъуллар тумандаги 1-сон шаҳар шифохонасида беморлар учун яратилган шароитлар, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда даволаш жараёнлари билан яқиндан танишди. Сайёр қабулда 120 нафардан зиёд фуқаро мурожаати масъуллар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти тиббий маслаҳат олиш, кўриқдан ўтиш, давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида бепул даволаниш ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ мурожа-



атларни ташкил этди. Шу билан бирга, соҳада коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш ва тизимда очиклик ҳамда шаффофликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қабул давомида мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал

этилди, қўшимча ўрганиш талаб қилинган масалалар эса назоратга олинди. Шунингдек, тадбир доирасида малакали шифокор ва мутахассислар иштирокида тиб-

бий кўрик ташкил этилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида замонавий ускуналар билан жиҳозланган мобил комплекслар орқали барча тиббий хизматлар шу жойининг ўзида кўрсатилди. Шундан сўнг, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси-



да Одоб-ахлоқ комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ташкил этилди. Унда хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган айрим масъул ходимларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилди. Соҳада очиклик ва ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш ва шаффоф бошқарувни

таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қолаверса, Ситуацион марказ фаолияти билан танишиш жараёнида масъулларга тизимда коррупциявий хавфларни эрта аниқлаш, мурожаатларни тезкор қабул қилиш ва улар ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

ИЧКИ НАЗОРАТ ВА МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиалида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ички аудит ҳамда Комплайенс ва коррупцияга қарши ички назорат бошқармалари ҳамкорлигида ўқув семинари ўтказилди.

Унда вилоятдаги тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ўринбосарлари, бош ҳисобчилари, провизорлар, кадрлар бўлими масъуллари, харидлар бўйича мутахассислар ва иқтисодчилар иштирок этди. Тадбирда ички назорат ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш, бюджет маблағидан самарали фойдаланиш, давлат харидлари, аутсорсинг хизмати, дори воситалари ва тиббий буюмлар

ҳаракатини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидлаганидек, жорий йилнинг 5 ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларда “Масофавияудит.уз” платформаси орқали жами 416 ҳолатда 15,7 млрд. сўмлик молиявий камчиликлар эрта аниқланган ҳамда улар ўз вақтида бартараф этилган. Ушбу тизим орқали молиявий жараёнлар доимий мониторинг қилиниб, аниқланган ҳолатлар муассасаларга электрон юборилмоқда. Бу эса муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини берапти. Семинарда Ҳисоб палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ситуацион марказ орқали муассасалар фаолияти таҳлил қилиниши кутилган самарасини бераётгани айтилди. Хусусан, бу

қонун бузилишларнинг олдини олиш, келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш ва уларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этади. Ўқув давомида шартномаларни тўғри расмийлаштириш, нархларни асослаш, ҳисоб-китоб интизомини таъминлаш, дори воситаларига бўлган еҳтиёжни аниқлаш, уларни сотиб олиш ва қабул қилиш, сақлаш, тақсимлаш ва назоратга олиш масалалари батафсил тушунтирилди.

Семинар якунида тиббиёт муассасаларида молиявий интизомни мустаҳкамлаш, профилактик назоратни кучайтириш, муаммоларнинг олдини олиш ҳамда коррупциявий хавфларни камайитириш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

■ Давлат тиббий суғуртаси

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ МЕХАНИЗМ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ВА СИФАТЛИ ТИББИЙ
ХИЗМАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР
Йўналишларидан бирига айланди.**

Янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимиз ижтимоий давлат сифатида белгилангани давлатнинг инсон ҳаёти ва саломатлиги учун масъулиятини янада кучайтирди. Айнан шу мақсадда давлат тиббий суғуртаси тизими босқичма-босқич жорий этилиб, аҳолининг тиббий хизматлардан тенг ва кафолатли фойдаланишини таъминлашнинг муҳим механизмига айланмоқда. Оддий қилиб айтганда, давлат тиббий суғуртаси – бу давлат ажратаётган маблағларни аниқ бемор ва кўрсатилган тиббий хизмат билан боғлайдиган молиявий механизмдир. Аввал маблағ асосан тиббиёт муассасасининг сақлаш учун ажратилган бўлса, янги ёндашувда маблағ кўрсатилган тиббий хизмат учун йўналтирилади. Бу эса ҳар бир бюджет маблағининг манзилли сарфланишига хизмат қилади. Натижада аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Тиббиёт муассасалари эса хизмат сифати учун янада масъул бўлади. Энг муҳими — давлат маблағлари қаерга ва қандай сарфланаётганини аниқ кўриш имкони пайдо бўлади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тиббий суғуртасини ижтимоий ҳимоя тизими билан узвий боғлаб қўйди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида»ги

Фармони ижтимоий ёрдам ва тиббий хизматларни молиялаштиришнинг янги механизмларини белгилаб берди. Унга мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўрсатиладиган қатор тиббий хизматлар харажатларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилди. Айниқса, давлат тиббий суғуртаси тизимининг аҳоли учун энг муҳим жиҳатларидан бири – эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг кенгайиб бораётганидир. Бугунги кунда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва бошқа ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларнинг айрим тиббий хизматлар билан боғлиқ харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланмоқда. Жумладан, юқори технологияли ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун зарур маблағларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши инсоннинг моддий имконияти эмас, балки унинг тиббий эҳтиёжи устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Яъни инсоннинг даромади эмас, балки унинг тиббий эҳтиёжи асосий мезон бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинаётган қарорлар ҳам давлат тиббий суғуртаси тизими билан уйғун ҳолда амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2026 йил 17 февралдаги «Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги ва 2026 йил 21 майдаги «Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.



Конституцияда белгиланган ижтимоий давлат тамойилининг мазмуни шундан иборатки, давлат фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиши керак. Саломатлик эса инсон фаровонлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтани назардан қараганда, давлат тиббий суғуртаси:

- аҳолининг тиббий хизматлардан тенг фойдаланишини таъминлайди;
- эҳтиёжманд қатламларни қўшимча қўллаб-қувватлайди;
- ижтимоий адолат тамойилини мустаҳкамлайди;
- бюджет маблағларининг манзилли сарфланишини таъминлайди;
- тиббий хизматлар сифати ошиши учун рағбат яратади;
- давлатнинг инсон саломатлиги учун масъулиятини амалий жиҳатдан таъминлайди.

Давлат тиббий суғуртаси тизими бугунги кунда фақат тиббиёт соҳасидаги молиявий ислохот эмас, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда.

Бу эса мамлакатда кучли ижтимоий ҳимоя моделини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси
матбуот ва пиар хизмати раҳбари

ТИЗИМИДА ҲАМШИРАЛАРНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини
такомиллаштириш, аҳолига сифатли ва
замонавий тиббий хизмат кўрсатиш бўйича
кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.
Ушбу ислохотларнинг муҳим йўналишларидан
бири давлат тиббий суғуртаси механизмларини
босқичма-босқич жорий этиш ҳисобланади.
Янги тизим аҳолимизга сифатли тиббий
хизмат турларидан кенгроқ фойдаланиш
имкониятларини яратади ва соҳада
шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.**

Давлат тиббий суғуртаси тизимида ҳамшираларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳоли билан энг яқин мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари айнан ҳамширалардир. Улар фуқароларнинг саломатлигини назорат қилиш, профилактик тадбирларни ташкил этиш, тиббий кўрикларга жалб қилиш ва беморларга зарур тавсиялар беришда муҳим вазифаларни бажаради. Янги тизимнинг асосий мақсадларидан бири касалликларни даволашдан кўра уларнинг олдини олишга кўпроқ эътибор қаратишдан иборат. Бу жараёнда ҳамширалар аҳолини соғлом турмуш тарзига риоя қилишга қақариш, зарарли одатларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда профилактик кўрикларнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш орқали катта ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятидаги 256 та

тиббиёт муассасаларида 7 мингта яқин ҳамширалар фаолият олиб боришади. Шундан 213 та бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасаларида 5 мингдан ортиқ ҳамширалар аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Айниқса, вилоятдаги 426 минг нафардан ортиқ 5 ёшгача бўлган болалар, 937 минг нафардан ортиқ 40 ёш ва ундан катталар, 75 099 нафардан фертил ёшдаги аёллар ўртасида профилактик кўриклар ва скрининг текширувларни сифатли ўтказишда уларнинг хизматлари тахсинга лойиқдир. Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ҳам ҳамширалар фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконини бермоқда. Электрон тиббий карталар, электрон рецептлар ва онлайн навбат тизимлари орқали беморларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, ортиқча қоғозбозлик камай-

моқда. Бу эса ҳамшираларга беморлар билан кўпроқ ишлаш ва уларнинг саломатлигига эътибор қаратиш имконини яратмоқда. Айниқса, сурункали касалликлар мавжуд беморларни мунтазам кузатиб боришда ҳамшираларнинг масъулияти катта. Тошкент вилоятида диспансер назоратига олинган 600 мингта яқин сурункали касаллиги бўлган беморлардан ўз вақтида хабар олиш, диспансер кўрикларига чақариш, шифокор тавсияларининг бажарилишини назорат қилиш, беморларга дори воситаларини тўғри қабул қилиш бўйича маслаҳат бериш ва касаллик



асоратларининг олдини олишга кўмаклашиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқдалар. Бугун давлат тиббий суғуртаси тизими нафақат тиббий хизматлар сифатини ошириш, балки тиббиёт

ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолашга ҳам қаратилган. Бу эса ҳар бир ҳамширадан юқори билим, касбий маҳоратини мунтазам ошириш ва ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат тиббий суғуртаси тизимини самарали амалга оширишда ҳамширалар муҳим ўрин тутди. Уларнинг фидокорона меҳнати, касбий маҳорати ва аҳоли саломатлиги учун масъулияти соғлом ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Соғлом жамият – таракқиёт гаровидир. Бу йўлда ҳамшираларнинг меҳнати ва хизматлари бекиёс аҳамиятга эга. Эзгу ва шарафли меҳнатингиз халқимиз саломатлиги йўлида хамиша баракали бўлсин.

Умарали НАЗАРМАТОВ.
Давлат тиббий суғуртаси
жамғармаси
Тошкент вилояти
бўлинмаси бош мутахассиси.

Тарих бошланган кун!

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН АРЕНАЛАРИДА

◀ Давоми. Боши 1-бетда

— Футболни оддий ўйин деб билгувчилар адашдилар. У орзу, умид ва миллий бирдамлик рамзига айланиб кетган...

Айтиш жоизки, Юкори Чирчик туманида барпо этилган Миллий футбол маркази оддий мажмуа эмас, балки спортимиз учун янги сахна, янги даврни бошлаб берувчи даргоҳ сифатида баҳоланмоқда. Миллий футбол марказини ташкил этиш гоёси Президентимизнинг икки йил аввал шу ҳудудга ташрифи пайтида айтилган ташаббусларидан бошланган. Ўшанда мавжуд стадион ёнида замонавий футбол мажмуаси қуриш зарурлиги тилга олинган эди. Бир қарашда оддий кўринган бу чақирик ортида аслида катта стратегия, узокни кўзлаган режа мужассам эди. Орадан кўп ўтмай, 2023 йил футбол инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Бугун биз унинг натижасини кўриб турибмиз.

— Бу марказда бир вақтнинг ўзида олти-та терма жамоа йиғин ўтказиши мумкин, — дейди **Ўзбекистон футбол ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари Равшан Эрматов**. — Бу нафакат машғулотлар, балки бутун спорт тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш имкониятидир. Чунки бугун футболчи фақат майдонда машқ қилмайди, у замонавий тиббий хизмат, илғор реабилитация жараёни, тўғри овқатланиш ва илмий таҳлилга зарурат сезади. Шу жиҳатдан марказнинг меҳмонхонаси, бассейни, футзал манежи, реабилитация мажмуаси ҳамда пляж футбол майдони нафакат қўшимча шарт-шароит, балки муваффақият қафолати ҳисобланади. Мажмуанинг яна бир муҳим жиҳати, унга замонавий технологиялар жалб этилган. Бельгия тажрибасига асосланиб, VAR маркази ташкил этилган. Футболда адолатли қарорлар қабул қилиниши нафакат натижа, балки футболчи ва мухлис ишончи масаласи саналади. Бир қутилмаган хатолик, бир ноаниқ қарор бутун мусобақа тақдирини ҳал қилиб қўйиши мумкин. VAR эса шундай ноаниқликларни йўқотишга хизмат қилади. Спорт тиббиёти масаласи ҳам бугун энг долзарб йўналишлардан

бири. Германия, Испания ёки Италияда энг кучли клубларнинг катта афзаллиги замонавий тиббий марказлари борлигидадир. Жароҳат олган футболчи қисқа вақт ичида тикланиб, майдонга қайтиши учун махсус дастурлар ишлайди. Шу пайтгача Ўзбекистонда футбол тиббиёти марказлашган ҳолда йўлга қўйилмаганди. Энди эса дунёдаги энг кучли терма жамоаларда қўлланаётган тиббий ускуналар мамлакатимизга олиб келинди ва футболчилар учун ишга туширилди. Бу футболчи соғлиғи, демакки, бутун жамоа муваффақиятини қафолатлайди. Ўзбекистон қаратадиган яна бир жиҳат мутахассислар тайёрлаш масаласидир. Чунки мураббийсиз маҳоратли футболчи етишиб чиқмайди, ҳакамсиз ўйин ўтмайди, таҳлилчисииз стратегия ишламайди. Шу мақсадда марказда футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот



маркази, Республика футбол академияси, терма жамоалар тайёргарлик маркази ҳамда спорт тиббиёти маркази ташкил этилди. Буларнинг ҳар бири ўз вазифаси билан миллий футбол тизимини узлуксиз ҳаракатлантирувчи механизм сифатида хизмат қилади.

Кейинги саккиз йилда амалга оширилган ислохотлар самараси бугун кўзга ташланмоқда. **Ўзбекистон тарихида**

илк бор миллий термаимиз жаҳон чемпионатида йўлланма олди. Яна бир шонли ютуқ Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогига қўлга киритилди. Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз унда биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди.

Бу натижалар тасодифми? Албатта йўқ. Бу тизимли ҳаракат, қатъиятли ис-

лохотлар ва энг муҳими, футболни миллий орзу сифатида қабул қилишнинг самарасидир.

Юкори Чирчикдаги Миллий футбол маркази ана шу орзуларни амалга ошириш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Энди навбат янги авлод футболчиларига. Улар бу ерда машғулот ўтказиб, халқаро тажрибани ўрганиб, юртимиз шарафини жаҳон мусобақаларида ҳимоя қилади.

Дунё футбол тажрибасида марказлашган тайёргарлик тизими, ёшларни барвақт селекция қилиш имконияти ва замонавий инфратузилма мавжуд мамлакатлар катта натижага эришган. Шу ўринда биргина мисол. Тўрт-беш миллионлик аҳолига эга Хорватия ана шундай тизим орқали футбол билан энг юксак марраларга чиққан давлатлардан бири. Бу ўринда яна қўшлаб мамлакатларни мисол келтириш мумкин, аслида. Энди савол туғилади. Нега Ўзбекистон уларнинг сафида бўлмаслиги керак?! Бунинг учун бизда босқичма-босқич барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани қувонардир.

ЎЗА.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МАТБУОТ ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Тўғри, бугун замон, техника тараққиёти ва ахборот оқимининг тезлиги кундан-кунга ортиб бораётгани боис босма оммавий ахборот воситалари, хусусан газета ва журналларнинг нашр тиражи билан фахрлана олмайдиган ҳолга тушди. Бу жараён инсон ҳаётидаги муҳим эҳтиёжлардан бири — муталаа, фикрланиш ва таҳлилга мойилликни сундириб қўйди. Биламан, интернет, ижтимоий тармоқлар, сунъий интеллект каби замонавий воситалар қулайлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Бирок, уларнинг тезкорлиги ортида фикрлаш, изланиш ва таҳлил қилиш қобилиятимиз ўрнини ўзимиз билмаган ҳолда эрин-

чоклик, тафаккуримиздан фойдаланишда ҳафсаласизлик кайфияти эгаллаб олаётгани ҳам бор гап-да!

Газета, устоз-шогирдлик ҳақида сўз юритар эканман, юқорида таъкидлаганим ҳафталик нашрнинг Бош муҳаррири, устозим Ибодат Соатова ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Боиси, ўтган йиллар мобайнида газета саҳифаларида айнан у кишининг раҳбарлигида юзлаб шифокорларнинг ҳаёт йўли ёритилди, тиббиёт соҳасидаги янгиликлар таҳлил этилди, соҳа муаммолари чуқур ўрганилиб, юртимиз тиббиётининг энг аҳамиятли жараёнлари тарихга муҳрланди. Шунинг учун ҳам ушбу газетани фақат ОАВ эмас, балки соҳа учун илмий-амалий май-

дон, тажриба мактаби, тарих манбаи, десак муболага бўлмайди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир сафар тизим муассасаларидан бирида ҳукумат қарори билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тадбир ўтказилаётгани ҳақида фавқулодда хабар олдик. Ибодат Жўраевна топшириғи билан ушбу тадбирни ёритиш менинг зиммамга тушди. Муассасага етиб борсам, ҳаммаёқ сокин, айтилган “шов-шувли” тадбирдан дарак ҳам йўқ.

Рухсат билан ташкилот раҳбари олдида кирдим ва бизга берилган маълумотга кўра ўтказилиши лозим бўлган тадбир ҳақида сўрадим. У киши бир оз ажабланиб, қаергадир кўнғироқ қилди ва: “Сиз ҳақсиз, биз

бу тадбирга катта тайёргарлик кўрганмиз, ҳаммаси тайёр”, деди. Сўнг яна кўнғироқ қилиб, кимгадир тадбирга оид топшириқлар берди. Шундан кейин менга юзланиб, гўё “хўш, сизга нима ёрдам бера оламан?” дегандек қаради.

Мен ўз ўрнида тадбирдан кўзланган мақсад, бунинг учун муассаса томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида икки оғиз интервью бериши кераклигини айтдим. Ўйла-ниб-ўйланиб, рус тилида интервью беришга рози бўлди, умумий, у ёқ-бу ёқдан қилиб амаллади.

Ташқарига чиқсам, телевидение, радиоканаллар ва интернет нашрларидан журналистлар келишган, аммо не ажабки, уларнинг ҳам айнан



нима бўлаётганидан хабардорлиги йўқ экан. Шунда ўзимдаги бор маълумотларга асосланиб, муассаса йўналишида ижтимоий аҳволи оғир бўлган беморлар учун мураккаб амалиётлар бепул амалга оширилишини айтиб ўтдим.

Бу гапни муассаса раҳбари эшитгач: “Сиз нималар деб

■ Фахр

ШИФОКОРЛАР ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТУРНИРИ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

Шу йилнинг 13-19 июнь кунлари Хорватиянинг Пула шаҳрида бўлиб ўтган 45-Жаҳон тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ўйинлари (Медигамес 2026) доирасидаги футбол мусобақаларида Ўзбекистон шифокорларидан ташкил топган миллий жамоа юксак натижа қайд этиб, турнир ғолибига айланди.

ўтказилади. Унда фақат тиббиёт йўналишидаги олий маълумотга эга мутахассислар иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон шифокорлар футбол жамоаси мазкур мусобақада 2018-йилдан буён мунтазам иштирок этиб келмоқда. Бу йилги тарихий ға-



Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги даволаш муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлардан шакллانган Ўзбекистон шифокорлар футбол жамоаси мусобақа давомида юқори маҳорат, мустаҳкам ирода ва ҳақиқий жамоавий ўйин кўрсатди. 32 давлат вакиллари иштирок этган халқаро турнирнинг финал учрашувида Чили шифокорлари жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган ҳамюртларимиз фахрли биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлди. Минглаб тиббиёт ходимларини бирлаштирган мазкур нуфузли халқаро спорт анжуманида қўлга киритилган ушбу ютуқ мамлакатимиз тиббиёт соҳаси вакиллари юксак салоҳияти, тажрибаси ва бирдамлигининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Жаҳон тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ўйинлари тиббиёт соҳаси вакиллари учун дунёдаги энг йирик ва нуфузли



спорт мусобақаларидан бири бўлиб, ҳар йили турли давлатларда

лаба эса жамоанинг кўп йиллик меҳнати, тажрибаси ва катъия-

лашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Дастлаб,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

■ 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni

ҚАЛЪ БЕШИГИДИР

маълумот тарқатяпсиз? Асосингиз бўлмаган масалалар ҳақида ҳар нарсани гапирмасликни маслаҳат бераман”, – деб қолса бўладими! Чидаб туrolмадим ва: “Кечирасиз, бу ерда кимдир маслаҳатга муҳтож бўлса, у киши сизсиз. Яхшиси, вазирликдагилардан яхшилаб маълумот олинг”, – дедим. Шундай қилди ҳам. Сўнг, 180 градусга ўзгариб, узр сўради. Шунда билдимки, муассаса раҳбарининг бу ишлардан, умуман ҳеч нарсадан хабари йўқ экан. Қисқа фурсатда умуман тайёргарлик кўрилмаган, узоқ муддатли режа талаб этувчи тадбирни ўтказишга зўр берди – бир навъ аҳволда...

Таҳририятга қайтгач, бўлган воқеани муҳаррир билан ўртоқлашдим. Мени қувонтир-



гани Ибодат Жўраевнинг: “Вазият қандай бўлган бўлса, шундай ёзинг. Бунга тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Масъулиятсизлик бугуннинг иш эмас. Борини ёзинг”, – деган гаплари бўлди. Боиси, бунинг учун юрак ва журъат керак. Устозда эса бу фазилат доимо устувор эди.

Шу боис, газетадан, устозим-

дан ўрганганларим кўп бўлди. Уларни икки оғиз суҳбат ёки биргина мақола билан баён этишнинг эса имкони йўқ албатта.

Ишончим комилки, ушбу нашр тиббиёт вакиллари, соҳа фидойиларининг қалбидан чуқур жой олиб улгурган. Шу билан бирга, “Ўзбекистонда sog'liqni saqlash – Здравоохра-



нение Узбекистана” газетаси кўплаб журналистларни кашф этган ва кўплаб забардаст шифокорларнинг ҳаёт-фаолиятини улуғлаган нашр. Йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасига хизмат қилиб келаётган, мутасаддилар назаридан бир оз узоқлашган бўлса-да, бироқ ҳали-ҳануз ўз муштарийларига эга “Ўзбекистонда sog'liqni saqlash – Здравоохра-

нение Узбекистана” газетасининг севувчи муштарийлар кўплаб топилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен учун қадрдон маскан – газета таҳририятининг қадрли жамоаси ва устозимни касб байрами билан самимий муборакбод этаман.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ,
журналист.



Дунё бўйича ҳар йили юз миллионлаб инсонлар безгак касаллигига чалинмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, миграция жараёнлари ва экологик омиллар ушбу касалликнинг айрим ҳудудларда яна фаоллашишига сабаб бўлмоқда. “Безгак қандай касаллик?”, “Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар нималар?”, “Чет элга саёҳатга чиқаётган юртдошларимизга маслаҳат...”га каби саволларга жавоб топиш мақсадида Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси Чилонзор тумани бўлими паразитология лабораторияси мудири Нигора Усманова билан суҳбатлашдик.

– Безгак касаллиги нимаси билан хавфли ва у қандай юқади?

– Безгак касаллиги – иссиқ иқлим ва тропик давлатларда учрайдиган антропоноз, трансмиссив, протозой ўткир юқумли касаллик бўлиб, беморларда камқонлик, жигар ва талокнинг катталашishi, иситма хуружлари билан кечадиган касаллик ҳисобланади. Безгак – Анофелес турига мансуб безгак чивинларининг чақиши орқали бемор одамдан соғлом одамга юқадиган ўткир юқумли касаллик. Бу касалликни бир ҳужайрали – плазмодийлар келтириб чиқаради, улар бемор одам ва чивинларнинг организмда кўпаяди. Касаллик кўзгатувчилари плазмодийлар безгак чивини чақиши натижасида қон оқими орқали жигар, талоқ ва бошқа ички органларга зарар етказиши. Унинг хавфи шундаки, касаллик вақтида аниқланмаса оғир асоратлар, ҳатто ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин. Безгак касаллиги билан ҳар йили Ер юзиди 200–300 миллион нафардан кўпроқ инсонлар касалланади ва улардан 600 мингга яқини ўлим билан тугайди. Бу ҳолатларнинг 94 фоизи Африка қитъаси давлатларига тўғри келади.

– Касалликни эрта босқичда қандай аниқлаш мумкин?

– Дастлабки босқичда беморда оддий шамоллаш белгилари: умумий ҳолсизлик, бош, бўғимлар, кўз соққалари,

мушаклардаги оғриқлар, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади, бир неча кунлардан кейин эса кучли қалтирок, кучли иситма, терлаш, қорин ва бел соҳасидаги оғриқлар, иштаҳанинг пасайиши, қусиш, ич кетиши кузатилади. Энг муҳим белгиларидан бири – иситма хуружларининг маълум вақт оралиғида қайта такрорланишидир. Шу боис бундай аломатларга бефарқ бўлмаслик керак.

– Кўп ҳолларда фуқаролар қачон шифокорга мурожаат қилади ва бу қанчалик тўғри?

– Афсуски, айрим ҳолларда беморлар кеч мурожаат қилади. Бу эса касалликнинг оғир кечишига сабаб бўлади. Аслида, юқоридаги белгилар пайдо бўлиши биланоқ шифокорга мурожаат



ЭРТА АНИҚЛАШ – ҲАЁТНИ САҚЛАЙДИ

қилиш зарур. Қон таҳлили орқали тезкор ташхис қўйилиб, даволашни эрта бошлаш муҳим аҳамиятга эга.

– Безгакнинг олдини олишда энг самарали чоралар нималардан иборат?

– Энг асосий чора – чивинлар кўпайишини олдини олиш. Сув тўпланадиган жойларни бартараф этиш, ариқ ва зовурларни чиқинди ва ўтлардан тозалаш, ҳудудларни ободонлаштириш, ботқоқликларни йўқотиш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, чивинларга қарши дезинфекция ишларини ўтказиш, чақишига қарши репеллентлардан

фойдаланиш ва уй шароитида дераза ва эшикларга тўр парадалар ўрнатиш, кечки пайт энги узун кийимларни кийиш, ухлаш вақтида пашшахоналардан фойдаланиш зарур.

– Фуқаролар ўзини қандай ҳимоя қилиши мумкин?

– Иссиқ иқлим ва тропик давлатларга борганда шифокорларнинг тавсиясига кўра профилактик мақсадда безгак касаллигига қарши дори воситаларини қабул қилиш керак. Безгак чивинларига қарши махсус воситалар – репеллентлардан фойдаланиш тавсия этилади. Кечки пайтларда очик жой-

ларда узоқ вақт қолмаслик, тананинг очик қисмларини ҳимоя қилиш ҳам фойдали. Энг муҳими – санитария ва гигиена қоидаларига амал қилишдир.

– Чет элга чиқаётган фуқаролар учун қандай эҳтиёт чораларини тавсия этасиз?

– Сафар олдида борилаётган ҳудуд ёки давлатда безгак хавфи мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш зарур. Зарурат бўлса, шифокор тавсияси асосида кимёпрофилактика дори воситалари қабул қилинади. Сафар давомида репеллентлардан фойдаланиш, яшаш жойини чивинлардан ҳимоялаш, чивинлар чақишидан сақланиш жуда муҳим.

– Республикамизда безгак бўйича вазият қандай назорат қилинмоқда?

– Мамлакатимизда безгак касаллиги устидан қатъий эпидемиологик назорат ўрнатилган. Профилактик тадбирлар, мониторинг ва лаборатор назорат тизимли равишда олиб борилмоқда. Шу боис касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмаяпти.

– Аҳолига қандай муҳим тавсия берган бўлардингиз?

– Энг муҳим тавсия – ўз соғлиғига бефарқ бўлмаслик. Ҳар қандай шубҳали аломатларда вақтни бой бермасдан шифокорга дарҳол мурожаат қилиш керак. Профилактика – ҳар қандай касалликка қарши энг самарали чорадир.

Зиёда РАСУЛОВА,
суҳбатлашди.

■ Юртимиз тиббиёт муассасаларида

АҲОЛИ ТИББЫЙ ХИЗМАТДАН МАМНУН

Шундай касб эгалари борки, шифокорлар борки, халқимиз доимо улар меҳнатини қадрлаб, дуога қўл очадилар. Улар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда ҳаёти хавф остида бўлган беморларга ҳаёт бахш этиб, туну-кун меҳнат қиладилар.

Соҳа вакиллари тизимнинг қайси йўналишида бўлишмасин, ўз касбига садоқат ва масъулият билан ёндашади. Ана шундай фидойи касб эгалари Андижон вилоятининг Балиқчи туманида истиқомат қилиб келаётган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Таъкидлаш муҳимки, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида оилавий поликлиникаси қурилиб ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа давр мобайнида бу шифохона қурилиб халқимиз манфаатлари йўлида ишлай бошлади. Шифохона Андижон қишлоқ қурилиш МЧЖ ташкилоти томонидан қуриб битказилди ва аҳолига топширилди. Мазкур шифо масканининг бунёд этилишида Неъматжон Мирзиёев бошчилигидаги қурувчилар жалб қилинди. Тажрибали қурувчилар 2 қаватли поликлиника биносини тезда қуриб битказдилар. Поликлиникага давлатимиз томонидан 3 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарф қилинди. Бино замонавий талаблар даражасида қад кўтарди. Уни очилиш вақтида қишлоқ

аҳолисидан 300 дан ортиқ вакиллар иштирок этиб, қувончларига қувонч қўшилди.

Ушбу 13-оилавий поликлиника 2022 йил 20 мартда фойдаланишга топширилган эди. Мана неча йилдирки, мазкур шифо маскани 150 қатновга эга бўлиб, халқимиз фуқароларига хизмат қилиб келмоқда. Балиқчи туманидаги бу оилавий поликлиника туманининг Маллачек, Насриддинобод, Сиза, Навнихол маҳалла фуқароларига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Поликлиника ҳудудида 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тиббиёт муассасасида 50 тага яқин хоналар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Ундан ташқари ўзининг дорихонасида аҳоли учун зарур бўлган дори-дармонлар мавжуд. Шунингдек, ЭКГ, физотерапия, УЗИ, лаборатория, стерилизация хоналари ҳам фаолият олиб бормоқда. Муҳими, мазкур поликлиникада 11 нафар шифокор, 33 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, 10 дан ортиқ кичик тиббий ходимлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда фидойиларча меҳнат қилиб келмоқдалар. Айниқса, аҳоли терапевт врач Азаматжон Махсумжонов, тажрибали ҳамширалар Гулчеҳраҳон Абдуллаева, Қимматой Рахмонова, Гулшаной Уроловалар кўрсатаётган даво муолажалари ҳамда уларнинг самимийликларидан миннатдор бўлмоқдалар. Тилагимиз элимиз дуосига му-



шарраф бўлиб келаётган тиббиёт ходимларимиз сафи янада кенгаверсин. Халқимиз эса улар кўрсатаётган тиббий хизматлардан рози бўлаверисин.

Қобилжон МЎМИНОВ,
13-Оилавий поликлиника бош шифокори.
Тўраҳон ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
журналистлар уюшмаси аъзоси,
Халқаро ЮНЕСКО мукофоти совриндори.

Андижон вилояти

■ Актуальная тема

COVID-19 СВЯЗАН С ДЛИТЕЛЬНЫМИ ПРОБЛЕМАМИ СО ЗРЕНИЕМ

В ходе двустороннего исследования, охватившего более 30 миллионов человек в Южной Корее и Японии, было установлено, что COVID-19 связан с повышенным долгосрочным риском развития некоторых офтальмологических заболеваний, таких как глаукома, заболевания роговицы и конъюнктивы, ретинопатия, увеит, нейроофтальмологические заболевания и блефарит.

Некоторые из этих повышенных рисков сохранялись более 18 месяцев после заражения вирусом SARS-CoV-2 и были выше у лиц с тяжелым течением заболевания. Исследователи провели двустороннее когортное исследование на основе данных из Южной Кореи и Японии, чтобы оценить связь между COVID-19 и риском развития множественных офтальмологических заболеваний.

Публикация появилась в The British Journal of Ophthalmology. В исследовании приняли участие взрослые в возрасте 20 лет и старше, у которых была выявлена инфекция SARS-CoV-2 в период 2020-2022 годов. Были сопоставлены группы лиц с COVID-19 и без него в Южной Корее (по 2020625 человек в каждой группе) и Японии (по 344217 человек в каждой группе). Средний возраст пациентов с COVID-19 в Южной Корее составлял 52,49 года, и 59,35% из них были мужчинами.

Основным оцениваемым показателем была частота возникновения следующих шести заболеваний глаз, появившихся через 30 дней и более после COVID-19:

глаукома, заболевания роговицы и конъюнктивы, рети-

нопатия, увеит, нейроофтальмологические заболевания и блефарит.

В южнокорейской когорте инфекция SARS-CoV-2 была связана с повышенным риском развития любого офтальмологического заболевания (скорректированное отношение рисков [сОР], 1,23; 95% ДИ, 1,22-1,25), глаукомы (сОР, 1,21; 95% ДИ, 1,19-1,23), заболеваний роговицы и конъюнктивы (сОР, 1,22; 95% ДИ, 1,21-1,23), ретинопатии (сОР, 1,17; 95% ДИ, 1,15-1,18), увеита (сОР, 1,11; 95% ДИ, 1,01-1,22), нейроофтальмологических заболеваний (сОР, 1,11; 95% ДИ, 1,06-1,15) и блефарита (сОР, 1,19; 95% ДИ, 1,17-1,22).

Тяжелая и умеренная формы COVID-19 были связаны с более высоким риском развития некоторых офтальмологических заболеваний, чем легкая форма COVID-19, включая ретинопатию (сОР, 1,36; 95% ДИ, 1,16-1,60 против сОР, 1,17; 95% ДИ, 1,15-1,18) и нейроофтальмологические заболевания (сОР, 1,95; 95% ДИ, 1,35-2,83 против сОР, 1,10; 95% ДИ, 1,06-1,15).

Риск офтальмологических заболеваний постепенно снижался с течением времени, но оставался статистически значимым и после 18 месяцев после заражения SARS-CoV-2 для любого заболевания глаз (сОР, 1,15; 95% ДИ, 1,05-1,26), глаукомы (сОР, 1,18; 95% ДИ, 1,04-1,33), заболеваний роговицы и конъюнктивы (сОР, 1,20; 95% ДИ, 1,05-1,37), ретинопатии (сОР, 1,29; 95% ДИ, 1,10-1,52) и блефарита (сОР, 1,24; 95% ДИ, 1,09-1,42). Взаимосвязь между заражением SARS-CoV-2 и риском офтальмологических заболеваний в целом оставалась стабильной в периоды до варианта Delta, Delta и Omicron.

В японской когорте полученные результаты в целом совпали.



Ограниченные данные об индивидуальной вирусной нагрузке могли повлиять на точность оценки тяжести инфекции. Возможно, сохраняется остаточное влияние неучтенных факторов.

В исследовании использовались данные административных медицинских карт и диагностических кодов, что могло привести к неправильной классификации или гипердиагностике.

«Учитывая, что у лиц с тяжелой формой COVID-19 наблюдался более высокий риск развития пост-острой офтальмологической патологии, этой группе может потребоваться более пристальное клиническое внимание и целенаправленное лечение, — сообщили исследователи.

— Хотя риск офтальмологических заболеваний со временем снижался, он оставался обнаруживаемым и после 18 месяцев после заражения, что указывает на необходимость продолжения офтальмологического наблюдения после острой фазы COVID-19».

ПРИВЫЧНОЕ РАСТЕНИЕ
ОКАЗАЛОСЬ ПОМОЩНИКОМ
В БОРЬБЕ С ВОСПАЛЕНИЕМ

Экстракт ромашки имеет противовоспалительные и нейропротекторные свойства. Экстракт ромашки может обладать противовоспалительными, антибактериальными, антидиабетическими и нейропротекторными свойствами. К такому выводу пришли ученые, изучившие состав ромашки из полузасушливого региона Алжира.

Исследователи обнаружили в экстракте высокий уровень полифенолов и флавоноидов, а также несколько биологически активных соединений, включая кофейную кислоту и апигенин-7-О-глюкозид.

Эти вещества связывают с антиок-

сидантным и противовоспалительным действием растений.

В лабораторных тестах экстракт подавлял рост золотистого стафилококка и грибка Candida albicans. Также он снижал активность альфа-амилазы — фермента, участвующего в расщеплении углеводов, что может быть важно для контроля уровня сахара в крови. Кроме того, ромашка показала способность ингибировать ферменты, связанные с когнитивным снижением при нейродегенеративных заболеваниях.

Противовоспалительный эффект подтвердился как в пробирке, так и в опытах на животных: экстракт уменьшал отек в модели воспаления у мышей.

Авторы подчеркивают, что речь пока идет о доклинических данных, поэтому ромашку нельзя рассматривать как готовое лечение. Однако результаты показывают, что это растение может стать источником соединений для разработки новых терапевтических средств.

Журнал "Frontiers in Nutrition"

ПРИБРЕТЕНИЕ СМАРТФОНА В
13 ЛЕТ СВЯЗАНО С УЖУДШЕНИЕМ
СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ

У ПОДРОСТКОВ,
ПОЛУЧИВШИХ
СМАРТФОН В 13 ЛЕТ,
ПОВЫШАЛСЯ РИСК
НЕДОСЫПАНИЯ, НО
НЕ ДЕПРЕССИИ ИЛИ
ОЖИРЕНИЯ В 14 ЛЕТ.

Однако у тех, кто использовал смартфон в течение длительного времени, более 5 часов в день, вероятность всех трех проблем со здоровьем была выше. Размещение смартфонов вне спальни перед сном было связано со снижением риска недосыпания.

Исследователи из отделения детской и подростковой психиатрии и поведенческих наук Детской больницы Филадельфии провели когортный анализ 1959 молодых людей (41,0% девочек), которые не имели смартфона до 13 лет, чтобы оценить связь между приобретением смартфона и показателями здоровья. Данные были собраны в рамках исследования развития когнитивных функций мозга у подростков в 21 центре в США.

В период между оценками, проведенными через 3 года (средний возраст 12,7 лет) и 4 года (средний возраст 14,0 лет), 1230 участников приобрели смартфон, а 729 — нет. Наличие смартфона определялось на основе ответов опекунов о том, есть ли у их ребенка iPhone или устройство на базе Android.

Участники сообщали, сколько времени они проводили со смартфонами каждый день в течение учебного года;



использование смартфонов в ночное время оценивалось по тому, выносились ли они за пределы спальни перед сном.

В возрасте 14 лет оценивались следующие показатели: депрессия, ожирение (определяемое как ИМТ, равный или превышающий 95-й процентиль для данного возраста и пола) и недостаток сна (определяемый как менее 8 часов сна в сутки). Приобретение смартфона в 13 лет было связано с недостатком сна в 14 лет, но не с депрессией или ожирением.

Среди молодых людей, получивших смартфоны, их использования было связано с повышенным на 22% риском развития депрессии, на 34% ожирения и на 28% недостатка сна.

Участники, которые использовали смартфоны более 5 часов в день, имели более высокую вероятность развития депрессии (в 2,27 раза) и ожирения (в 2,66 раза), чем те, кто использовал смартфоны менее 2 часов в день. Как участники,

которые использовали смартфоны от 2 до 5 часов, так и те, кто использовал смартфоны более 5 часов, имели более высокую вероятность недостаточного сна (в 1,63 и 1,99 раз соответственно). Размещение смартфонов за пределами спальни перед сном было связано с меньшей вероятностью недостаточного сна.

«Результаты исследования показывают, что, хотя само по себе приобретение смартфона в 13 лет не связано с ухудшением состояния здоровья, определенные модели использования все же могут нести в себе риски, — написали авторы.

— Наиболее практичный способ защитить здоровье подростков в эту цифровую эпоху — это обеспечить доступ к смартфону в соответствии с возрастом, активно контролируя как время, проведенное за смартфоном, так и использование телефона в ночное время».

Игорь НАУМОВ,
По материалам
JAMA Pediatrics .

■ Президент қарори амалда

БЕМОР ҚАЛЪЛАРГА НАЖОТ БАХШ ЭТИБ

Prezidentimizning "Muborak Qurbon hayiti munosabati bilan aholini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash va mehr-saxovat tadbirlarini samarali tashkil etish to'g'risida"gi qarori doirasida:



– 2488 nafar bemor bola tibbiyot muassasalariga yotqizilib, ularning 1773 nafarida yuqori texnologik jarrohlik amaliyoti o'tkazildi;
– 767 nafar onkologik, gematologik va onkogematologik tashxis qo'yilgan bemor tibbiyot muassasalariga joylashtirilib, ularning

181 nafarida murakkab jarrohlik operatsiyasi bajarildi;

– 88 nafar shaxs tibbiyot muassasalariga yotqizildi va ularning 32 nafarida jigar va buyrak transplantatsiyasi amalga oshirildi.

SSV Matbuot xizmati.

■ Маҳорат ва тажриба

ТАЛАБА УЧУН НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ УЙҒУНЛИГИ МУҲИМ

Тиббиёт нихоятда кенг қиррали соҳалардан бири ҳисобланади. У бўшлиқни ёқтирмайди. Дойимий янгилик ва изланишларни талаб этади. Ёшлигимдаги орзуим шифокор бўлиш эди.



Бундан уч йил олдин Бухоро давлат тиббиёт институтининг Олий ҳамширалик иши йўналишига ўқишга кирдим ва талаба деган номга эга бўлдим. Мазкур йўналишда таҳсил олсамда, тиббиётнинг бошқа йўналишларга бўлган қизиқишим катта. Кейинги йиллар давомида назарий билимларимни бойитиш билан бирга амалиётда ҳам тажрибамни бойитиш мақсадида Республика шешлинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали травматология бўлимида фаолият юритиб келмоқдаман.



Айниқса, устозим тажрибали травматолог Азим Яхёевнинг ёнларида туриб, назарий билимларим қаторида тажрибамни бойитиб бормоқдаман. Яқинда бўлимимизга билак суяги ташки фиксацияловчи аппарат стержени олиб келинди. Мазкур аппаратда беморларда амалиёт муваффақиятли олиб борилди. Албатта, бу каби ноёб технологиялар операцияларни амалга оширишда тиббиёт ходимлари ҳамда беморлар учун кенг қулайликларга эга. Кунни кеча устозим раҳбарлигида бемор Абдунабижон Жалиловда чап елка суяги пастки учлигидан ёпиқ кўп бўлакраниб синиб силжиши ташхиси бўйича операция ўтказилди. Операция номи чап елка суяги синган бўлакларини ЕОП остида ёпиқ репозициялаш перкутант 3 та Илизарова спица ёрдамида Остиосинтезлаш. Операци-

ядан кейин беморимизнинг аҳволи яхшиланиб саломатлиги тиклана бошланди. Олий ҳамширалик иши йўналишида тугатгач, Бухоро давлат тиббиёт институтининг даволаш иши факультетига хужжатларимни топшириб ўқишимни давом эттирмоқчиман ва травматология йўналишида фаолиятимни давом эттириш ниятидаман. Менга тажриба бобида амалий ёрдам кўрсатаётган Республика шешлинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали



директори Муҳсин Ражабов ҳамда устозим Азим Яхёев ва барча ҳамкасбларимга чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Сирож БОЗОРБОВ.
Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgt.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 550 дона.
Буюртма рақами Г-638.

Босмахонага
топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Тошпирилди 23-00.